


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У Қ М

2024 йил ноябрь ойининг 21 куни жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди, ўз биносида ҳамда [REDACTED] маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида, “телеграм” дастури орқали видеоконференцалоқа режимида, раислик қилувчи судья: Х.Умаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси У.Эсанкуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Нишон туман прокурорининг катта ёрдамчиси О.Нодиров, жабрланувчи [REDACTED] судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] га оид [REDACTED] сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 211-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокарасини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] Нишон тумани Нуристон шаҳарчасида жойлашган [REDACTED] хорижий корхонасида мавсумий ишчиси вазифасида ишлаб келиб, фуқаро [REDACTED] нинг [REDACTED] ва [REDACTED] хорижий корхонасига қонуний асосда ишга кириш нияти борлигидан фойдаланиб, жинойий йўл билан текин даромад топишдаги ғараз ва бошқа паст ниятларини кўзлаб, унга шу корхонадаги юқори лавозимда ишловчи танишларига моддий қимматликлар бериб, мулкий манфаатдор этиш эвазига ишга жойлаштириб қўйишини айтиб, [REDACTED] ни нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига пора беришга далолат қилишиб ва қизиқтириб, шу орқали [REDACTED] ни ишончига кириб жорий йилнинг 26 август куни Нишон тумани [REDACTED] МФЙ ҳудудида жойлашган “Метан” газ қўйиш шахобчаси ёнида ишга жойлаштириш эвазига пора бериш учун талаб қилган 200 АҚШ доллари миқдоридagi пулларини

олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган ва бу билан ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан эгаллаш жиноятини охирига етказа олмай, ушбу жиноятни содир этишга суиқасд қилган.

Судланувчи [REDACTED] судда, унга эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, 2024 йил 12 август кунидан буён Нишон тумани ҳудудидаги [REDACTED] ва [REDACTED] хорижий корхонасида мавсумий ишчи бўлиб ишлаб келишлигини, Нишон туманидаги Агробанкдан 41.000.800 сўмга мураве русумли юк ташишга мўлжалланган мотоцикл олганлигини бироқ ушбу кредит қарздорлигини қоплай олмасдан юрганида Алижон исимли бир йигит билан танишиб қолганлигини, у унга ишсиз юрганлигини айтганида у ўзи ишлаётган хорижий корхонада мавсумий бўш ишлар борлигини билганлиги учун унга хорижий корхонада ишловчи мансабдор танишлари борлигини шу шахслар билан келишиб ишга киритиб қўйиши мумкинлигини айтиб уни алдаб пулини олмоқчи бўлганида, у унга ишонганлигини шунда у унга бунинг учун унга 100 АҚШ доллари беришини айтганида у ўзининг танишлари ҳам борлигини айтиб уларни ҳам ишга киришига ёрдам беришини илтимос қилганлигини, шунда у унга ҳозир ўзи билан бирга яна битта танишини ишга киришига ёрдам беришини айтганлигини, шундан сўнг 2024 йил 26 август кунини Алижон пул топганини Нишон туманига бораётганлигини айтганида, у унга Нишон туманидаги “метан заправка” ёнига келишини, шу ерда уни кутиб туришини айтганлигини, 2024 йил 26 август кунини соат тахминан 18:30 лар чамасида у унга қўнғироқ қилиб етиб келганлигини айтганлиги учун у ҳам келишилган жойга бориб у билан учрашиб гаплашиб ишга киритиб қўйиш учун келишилган 200 АҚШ доллари ва ҳужжатлардан нусха олганидан кейин ёнларига фуқаролик кийимидаги 5-6 нафар шахслар келиб ўзларини Департаментнинг Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Қарши тумани ва вилоят ИИБ ходимлари эканликларини айтиб гувоҳномаларини кўрсатиб тезкор тадбир ҳаракатлари ўтказилаётганлигини айтиб, ўзини таништиришини сўрашганлигини шундан сўнг у уларга ўзини таништирганлигини, шундан сўнг мутахассис уни кийими ва қўлларини кўздан кечирганида қўлларидан яшил рангли товланувчи кукун кўринганлигини, шунда мутахассис қўлларидан тоза бинтга суртма олиб тоза пакетларга солиб елимлаганлигини, пуллар кўздан кечирганида пулларда “Пора-2024” ёзуви борлиги ва яшил кукун товланишини кўрганлигини, ушбу пулларни ҳам пакетга солиб елимлашганлигини, сўнг ҳаммалари Департаментнинг Нишон тумани бўлимига боришганлигини, Бу ерда уни адвокат билан таъминлашиб унга тиббий хизмат кўрсатишганлигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлиги, оилавий шароити оғирлиги, оиласида ёлғиз боқувчи эканини баён қилиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи [REDACTED] инг айби, ўзининг тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари суд мажлисида текширилиб, ишга алоқадор, мақбул ва ишончли деб топилган ҳамда ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланган қўйдаги далиллар, яъни:

Жабрланувчи [REDACTED] судда, 2024 йил август ойида [REDACTED] туманида яшовчи [REDACTED] исмли таниши унга Нишон туманида яшовчи [REDACTED] исмли таниши Нишон туманида жойлашган Туркия давлатига тегишли бўлган [REDACTED] хорижий корхоналаридан бирига ишга киритиб қўйиши мумкинлигини айтганлиги сабабли [REDACTED] таниши [REDACTED] ни телефон рақамини олиб у билан телефон орқали суҳбатлашиб ундан [REDACTED] ва [REDACTED] хорижий корхоналарига ишга кириши учун қандай ҳужжатлар керак бўлишини сўраганлигини, у унга бир таниши борлигини, уларни ишга киритиб қўя олишлигини, ишга кириши учун тиббий кўрик хулосаси (086 форма) ва паспорт нусхаси кераклигини ҳамда хар бир киши ишга кириши учун 100 АҚШ доллардан бериши кераклигини айтди. Шундан сўнг у ишга кириш учун керак бўладиган ҳужжатларни таёрлаб, 2024 йил 26 август куни телефон орқали гаплашганида, унга [REDACTED] Қашқадарё вилояти Нишон тумани Нуристон шаҳарчаси [REDACTED] маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган метан қўйиш шахобчаси олдида кўришишини айтганлигини, шундан сўнг, у Департаментнинг Нишон туман бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, мурожаати юзасидан ўтказилган тезкор тадбирда ўз ихтиёрим билан қатнашишини билдириб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар билан 2024 йилнинг 26 август куни [REDACTED] га кўнғироқ қилиб, “Кўксой” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Нуристон шаҳарчасининг Нишон-Қарши йўлидаги метан газ қўйиш шахобчасига келганлигини айтганидан сўнг, орадан 4-5 дақиқаларча вақт ўтгач ўрта ёшли мавсумий кийим кийган [REDACTED] уни ёнига келганлигини, у [REDACTED] билан кўришиб гаплашиб унга кимёвий ишлов берилган 200 АҚШ долларини бериб, олдиндан келишилган шартли ишора белгисини берганидан сўнг, ходимлар ва холислар келишиб, [REDACTED] га Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси, Нишон туман бўлими ва ИИБ ходимлари деб таништириб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, тезкор тадбир бўлаётганлигини айтиб, ундан ўзини таништиришни сўрашганида у ўзини [REDACTED] эканлигини айтганлигини шундан сўнг мутахассис [REDACTED] а ариза муаллифидан олган 200 АҚШ долларини ихтиёрий тақдим этишни айтганлиги, [REDACTED] эса ўз ихтиёри билан пулларни тақдим қилганидан сўнг воқеа жойида мутахассис [REDACTED] нинг ўнг ва чап қўлларидан суртмалар олиб, буш конвертларга жойлаштирилиб, холислар иштирокида елимланганлигини, шундан сўнг, процессуал ҳаракатларни давом эттириш учун видеокамерага олинган ҳолда Нишон туманида жойлашган Департаментнинг Нишон туман бўлимига олиб келиб, шу ерда

хужжатларни расмийлаштиришгани, ҳозирда судланувчи [REDACTED] га нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлигини, судланувчи [REDACTED] га қонуний енгиллик бериши ҳақидаги баён қилди.

Гувоҳ [REDACTED] “телеграм” дастури орқали видеоконференцалоқа режимида судда, 2024 йил 26 август кунини ўз ишлари билан Нишон туманида юрганида ёнига нотаниш кишилар келишиб ўзларини Департаментнинг Нишон тумани бўлими ходимлари деб таништириб, тезкор тадбир ўтказилаётганлигини айтиб, ундан ҳолис бўлиб иштирок этишини сўрашганлигини, у ўз ихтиёри билан тезкор тадбирда иштирок этишга рози бўлиб, тезкор ходимлар билан Департаментнинг Нишон тумани бўлими маъмурий биносига борганидан сўнг фуқаро [REDACTED] Департаментнинг Нишон тумани бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, у ўз аризасида, Нишон туманида яшовчи [REDACTED] исмли шахс Туркия давлатига тегишли ҳозирда Нишон тумани Нуристон шаҳарчасида фаолият юритиб келаётган [REDACTED]

[REDACTED] хорижий корхоналаридан бирига ариза муаллифи [REDACTED] ни ва унинг яқин танишини ушбу корхонадаги юқори лавозимларда ишловчи мансабдор шахслар орқали ишга киритиб қўйишни айтиб бунинг эвазига [REDACTED] дан 200 (икки юз) АҚШ доллари миқдорида пора талаб қилганлиги сабабли, ушбу шахсга нисбатан қонуний чора кўришни ва тезкор тадбирда ўз хохиши билан иштирок этишини сўраганлиги маълум бўлганлигини, шундан сўнг тезкор ходимлар томонидан тезкор тадбир учун уни иштирокида терговга қадар текшириш ҳаракати ўтказилиб, телефон аппарати ёрдамида видеотасвирга олинганлиги, ўтказилган терговга қадар текшириш ҳаракати юзасидан баённома тузилиб, қатнашчиларга овоз чиқариб ўқиб эшиттирилганлиги, шундан сўнг тезкор ходимлар билан белгиланган автомашинада белгиланган жойга боришгандан сўнг ариза муаллифи Нишон туманидаги “Метан заправка” ёнига бориб пора талаб қилаётган фуқаро билан учрашиб, унга талаб қилган 200 АҚШ доллари пулларни бериб тезкор ходимларга пулларни берганлиги ҳақида ишора бергандан сўнг тезкор ходимлар бориб ўзларини таништириб, пора талаб қилган фуқародан ўзини таништиришини сўрашганлигини, шунда у ўзини [REDACTED] деб таништирганлигини ҳамда ариза муаллифидан ишга киритиш учун олган 200 АҚШ долларини ихтиёрий равишда тақдим қилганидан сўнг, мутахассис Исмоилнинг ўнг ва чап қўлларидан суртмалар олиб, буш конвертларга жойлаштирилиб, уни ва яна бир холиснинг иштирокида елимланганлигини, шундан сўнг, процессуал ҳаракатларни давом эттириш учун видеокамерага олинган ҳолда Нишон туманида жойлашган Департаментнинг Нишон тумани бўлимига олиб келиб, шу ерда хужжатларни расмийлаштиришгани ҳақидаги кўрсатуви;

шунингдек, ариза (и.в 4), стенограмма (и.в. 5-9), пул маблағларига ишлов бериш ва овоз ёзиш мосламаси билан тақдим этиш баённомаси (и.в.

11-12), ходиса жойини кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш ҳамда овоз ёзиш мосламасини қайтариб олиш баённомаси (и.в. 13-15), эксперт хулосаси (и.в. 53-59), жиноят ишининг бир қисмини тугатиш тўғрисида қарор (98-99 и.в.); тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нинг жиноий ҳаракатлари малакаланишига ҳуқуқий баҳо берар экан, фирибгарлик, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан, ўзганинг мулкани қўлга киритишда Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан билан тўғридан-тўғри квалификация қилиб, пора бериш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига моддий қимматликларни пора тариқасида беришга қизиқтириб, далолат қилишда Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддасининг 1-қисми билан нотўғри квалификация қилиб хатога йўл қўйган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25-моддаси 2-қисмига кўра, қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сон Қарорининг 7-бандида, мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, [REDACTED] ва унинг яқин танишини [REDACTED] хорижий корхонасига, шу корхонадаги юқори лавозимда ишловчи танишларига моддий қимматликлар бериб, мулкий манфаатдор этиб ишга жойлаштириб қуйиши эвазига фирибгарлик йўли билан 200 АҚШ доллари сўраган ҳолда, 200 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни фирибгарлик йўли билан олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган.

Бироқ, тергов органи юқоридаги Пленум қарори ва ҳолатларига эътибор бермасдан, судланувчи 200 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олган вақтида ушланиб, фирибгарлик жиноятини охирига етказа олмаган бўлса-да, уни ҳаракатини тугалланган жиноят сифатида квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-моддасининг 2-қисмида, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Суд, юқоридаги Қонун ва Пленум қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи [REDACTED]нинг алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан, ўзганинг мулкини кўлга киритишга суиқасд қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатларини ЖК 25,168-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги 2017 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 192⁹-моддасига кўшимча киритилиб, унда тижоратда пора эвазига оғдириб олиш, яъни нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддасида эса пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги қарорининг 11-банди 4-хатбошида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари, шунингдек Жиноят кодексининг бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари (ЖК 205, 209, 210-моддалари) билан, нодавлат тижорат ёки бошқа нодавлат ташкилотлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари эса, Жиноят кодексининг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари (ЖК 192⁹, 192¹¹, 228-моддалари) билан ҳам квалификация қилиниши лозимлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 15 мартдаги “Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа

хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорнинг 8-банди 1-хатбошида ҳақ олиш эвазига товарларни ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бозорга эркин кириб келишига тўсқинлик қилувчи, ўта юқори нархларни сунъий равишда сақлаб турувчи бозорлар, савдо комплекслари маъмуриятининг мансабдор шахслари ҳамда ўз фаолиятини савдо соҳасида амалга оширувчи бошқа мансабдор шахслар ташкилотнинг устав фондида давлат улуши бор-йўқлигидан келиб чиққан ҳолда Жиноят кодексининг 210-моддаси бўйича порахўрлик ёки 192⁹-моддаси бўйича тижоратда пора эвазига оғдириб олиш учун жавобгарликка тортилиши кўрсатилган.

Судланувчи [REDACTED] ва унинг яқин танишини [REDACTED] хорижий корхонасига, шу корхонадаги юқори лавозимда ишловчи танишларига моддий қимматликлар бериб, мулкый манфаатдор этиб ишга жойлаштириб қуйишини билдириб, уларни қизиқтириб, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жиноятини содир қилган.

Суд, юқоридаги асосларга кўра, [REDACTED] нинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддасининг 1-қисмидан ушбу Кодекснинг 28,192⁹-моддасининг 1-қисмига қайта малакалашни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 07-сонли қарорнинг 26-бандидаги, жиноятнинг тавсифини ўзгартиришга олиб келмайдиган айрим эпизодларнинг ёки айрим оғирлаштирувчи ҳолатларга кўрсатувларнинг, шунингдек айбдорнинг шахсини салбий баҳоловчи маълумотлар айбловдан чиқариб ташланган тақдирда, суд ҳукмининг тавсиф қисмида айбловнинг қисмини асослантирилмаган деб топиш тўғрисида тегишли асослар келтирган ҳолда хулоса қилиши, шунингдек, судланувчи томонидан содир этилган бир жиноят, жиноят қонунининг бир неча моддалари билан хато тавсифланганда, ёки бир неча содир этилган жиноятларини жиноят қонунининг оғирроқ жазони тақозо қилувчи биргина моддаси билан тавсифлаш ўрнига асоссиз равишда жиноят қонуни бир моддасининг бир неча қисмлари билан тавсифланганда, суд ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчига хато қўйилган ЖКнинг моддаси (моддаси қисми ёки банди)ни чиқариб ташлаш тўғрисида ҳам тегишли асослар келтирган ҳолда кўрсатиб ўтишининг ўзи етарли эканлиги ҳақидаги тушунтиришидан келиб чиқиб, судланувчи [REDACTED] нинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмидан 25,168-моддаси 1-қисмига, ЖКнинг 211-моддаси 1-қисмидан ЖК нинг 28,192⁹-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинганлигини ҳукмининг тавсиф қисмида кўрсатиб ўтишнинг ўзини етарли деб топиб, уни ҳукмининг қарор қисмида такрорлашни мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 2-қисмида, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва

эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги;

4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда тарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Маҳсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленуми тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи [REDACTED] га жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, уни айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, оилавий шароитини, иш бўйича зарар йўқлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни, уни содир қилган жиноятини хусусияти ва жамият учун ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас деган фикрга келиб, жиноятни бевосита мансаби ёки иш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда содир этганлиги учун ЖКнинг 45-моддасини қўлламасдан, унга нисбатан у айбли деб топилаётган ЖКнинг 25,168-моддаси 1-қисми билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 28,192⁹-моддаси 1-қисми билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 2-қисмига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси [REDACTED] тумани ИИБ Пробация бўлими белгилаб бериладиган жойларда ўтатиришни, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддатини иш ҳақидан давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган кундан, бошлаб ҳисоблашни, унга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган тоза бинт тампон намунаси, махсус қалам намунаси, ишлов бериш жараёнида фойдаланилган тампон намунаси, ишлов беришда фойдаланилган махсус резина қўлқоплар, янги тампон намунаси, [REDACTED] нинг ўнг ва чап қўлларидан олинган суртма намуналари, ишлатилган резина қўлқопни суднинг ҳукми қонуний кучга киргач, тегишли тартибда йўқ қилишни;

тезкор тадбирда ишлатилган 200 АҚШ доллари Департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси махсус жамғармасига қайтариб олинганини маълумот учун қабул қилишни;

Жиноят иш ҳужжатларига қўшилган диск, жиноят иши ҳужжатларида доимий сақлаш учун қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471, 473, 475-моддаларига амал қилиб,

ҳ у к м қ и л д и :

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 1-қисми ва 28,192⁹-моддаси 1-қисмида қайд этилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,192⁹-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида [REDACTED] тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси [REDACTED] тумани ИИБ Пробация гуруҳи белгилаган жойларда ўтатирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижроси [REDACTED] тумани ИИБ Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Судланувчи [REDACTED] га қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган тоза бинт тампон намунаси, махсус қалам намунаси, ишлов бериш жараёнида фойдаланилган тампон намунаси, ишлов беришда фойдаланилган махсус резина қўлқоплар, янги тампон намунаси, [REDACTED] нинг ўнг ва чап қўлларидан олинган суртма намуналари, ишлатилган резина қўлқоп суднинг ҳукми қонуний кучга киргач, тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил тезкор тадбирда ишлатилган 200 АҚШ доллари Департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси махсус жамғармасига қайтариб олингани маълумот учун қабул қилинсин.

Жиноят иш ҳужжатларига қўшилган диск, жиноят иши ҳужжатларида доимий сақлаш учун қолдирилсин.


Манфаатдор тарафларга етказилган бошқа мулкӣ ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари борлиги тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.


Раислик қилувчи:

Х.Умаров

*Ҳукм раислик этувчи томонидан алоҳида хонада
“DELL” русумли компьютерда чоп этилди.*



Маъсул судья: Умаров Хуршид Муйсинович



Хужжат имзоланган: Умаров Хуршид Муйсинович, 21.11.2024

